

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг  
“Madaniyat va ma’rifat” telekanali” давлат муассасаси ва “Respublika teleradiomarkazi”  
давлат муассасаси ўртасида 2022 йил I чорак учун тузилган

ШАРТНОМА № 10

Тошкент шаҳри

“10” Январь 2022 йил

“Madaniyat va ma’rifat” telekanali” давлат муассасаси номидан (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) Уставга асосан директор В.Луқмонов бир томондан ва “Respublika teleradiomarkazi” давлат муассасаси (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади) номидан Уставга асосан Бош директор Ш.Расулов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети.

1.1. “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг барча тизимларига телерадиомахсулот ишлаб чиқариш ва эфирга тайёрлаш, узатиш, техник технологик ва бошқа хизматлар кўрсатишда, телерадио техник воситалар билан хизмат кўрсатишни, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

-ҳар қандай вақтда “Ижрочи”нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш;

-мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган техник хизматларни тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

-ўз вақтида (ПТЭ – 2000) асосан “Ижрочи”га 2022 йил I чоракда қундалиқ дастур жадвалини, ҳафталик иш жадвалини, техника воситаларидан фойдаланиш учун буюртмаларни, барча техник воситалар иш ҳажмларини дастлабки чорак режаларини, (чорак бошланишига 30 кун қолганда), аппаратхоналарни ойлик иш режаларини (ойнинг 14 кунигача), хизмат турлари бўйича аниқ ва равшан кўрсатган ҳолда топшириш;

- ПТЭ-2000 талабларига асосан амалга ошириладиган буюртмадаги техник хизматларини бажариш учун топшириш;

-ажратилган техник воситалардан, хоналардан, мебель, телефон аппаратлари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланилаётган давр мобайнида тўла моддий жавобгарлик юклатилади. Фойдаланиш жараёнида техник воситаларга етказилган моддий зарар “Буюртмачи” томонидан тўлиқ қопланади;

-фойдаланилган техник воситалар, хоналар ва бошқа моддий бойликлар ҳамда қабул қилиб олинган техник хизматлар учун ҳар ойда ўрнатилган тартибда ҳақ тўлаш;

-соат (22-00 дан 06-00 гача) кўрсатилган техник хизматлар учун (эфир вақти бундан мустасно) тасдиқланган тарифнинг 1,3 баробари миқдоридида ҳақ тўлаш;

-ҳар ойда режа ва ҳақиқий иш ҳажмини бажарилишини аппаратхона, КТС (кўчма телевизион станция), ТОГ (тасвирга олиш гуруҳи) журналларида қайд этилган ҳақиқий бажарилган иш ҳажми билан таққослаш асосида назорат қилиб бориш;

-“Ижрочи” томонидан хизмат сафарига жўнатилаётган техник ускуна ва ходимларнинг хавфсизлигини тўлиғича ўз зиммасига олиш.

-техник воситалардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида пайдо бўлган бузилишларни бартараф этишни ўз ҳисобидан амалга ошириш;

-техникадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаганлик “Буюртмачи” иштирокида “Ижрочи” томонидан тузиладиган далолатномада акс эттирилади.

2.3. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

-кўрсатилган техник хизматлар учун “Буюртмачи”дан мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни ҳамда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

-кўрсатилган техник хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда “Буюртмачи”дан етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш;

#### 2.4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”нинг топшириқларини тасдиқланган режа доирасида техник воситалар, муҳандис-техник ходимлар, ҳамда ишчи-хизматчилар ёрдамида мазкур шартномада белгиланган техник хизматларни сифатли бажариш;
- кўрсатилган техник хизматларни Давлат, тармоқ стандартлари, (ПТЭ – 2000 коидалари) ва расмий ҳужжатлар асосида амалга ошириш;
- жорий йилнинг биринчи июлигача, мавжуд техник воситаларни - овоз ёзиш аппаратхоналарни, янги техникани ишга тушириш, ишлаб чиқариш участкаларини қайта тиклаш ва ҳисоб-китобини ишлаб чиқиб “Буюртмачи”га топшириш;
- ажратилган хоналарнинг тозалигини, телефон, соат ва бошқа жиҳозларнинг доимий ишлаб туришини таъминлаш;
- барча техник ускуналарни сақлаш, эксплуатация қилиш ва техник ҳолатини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;
- техник ускуналарни ўз вақтида ва белгиланган муддатда профилактика қилиш ва ажратилган маблағ доирасида капитал таъмирлаш ишларини бажариш;
- барча аппаратхоналарни буюртма асосида ишлашини таъминлаш;

### III. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

- 3.1. “Буюртмачи”нинг техник ускуналардан фойдаланган вақтлари аппаратхона журналларида қайд этилиб, икки тараф вакиллари томонидан имзоланади ва бу бирламчи расмий ҳужжат деб ҳисобланади.
- 3.2. Агар кўрсатилган техник хизматлар сифатсиз бажарилган бўлса, унда томонлар бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш жараёнида расмий ҳужжат тузадилар, бу ҳужжатларда аниқланган камчиликлар кўрсатилади, уларни бартараф этиш усуллари ва муддатлари белгиланади

### IV. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби:

- 4.1. Шартноманинг умумий баҳоси 613 199 000,0 (Олти юз ўн уч миллион бир юз тўқсон тўққиз минг) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади, жумладан:
  - а) бюджетдан, 558 999 000,0 (Беш юз эллик саккиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг) сўм ҚҚС билан;
  - б) бюджетдан ташқари, 54 200 000,0 (Эллик тўрт миллион икки юз минг ) сўм ҚҚС билан.
- 4.2. Кўрсатилган техник хизматларнинг қиймати тасдиқланган тарифга асосан тўланади. Тариф нарх-наво ўзгаришига ва маошларни индексациясига қараб қайта кўриб чиқилади.
- 4.3. “Ижрочи” кўрсатилган техник хизматлар харажатлари қайд қилинган ҳужжат(ҳисоб-фактура)ни ва ойлик ҳисоботни «Буюртмачи»га ҳар ойнинг 3-санасигача топширади.
- 4.4. “Буюртмачи” келишилган ойлик ҳисоботни ҳар ойнинг 10-санасигача “Ижрочи”га тасдиқлаб топширади.
- 4.5. “Буюртмачи” “Ижрочи”га кўрсатиладиган техник хизматлари учун 30% миқдорида олдиндан тўловни жорий ойнинг 20 санасигача амалга оширади. Қолган 70% тўлов, ҳар ой якуни бўйича томонлар ўртасида имзоланадиган бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.
- 4.6. “Буюртмачи” кўрсатиладиган техник хизматлардан фойдаланиш тўловини чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан “Ижрочи”нинг хизматлари учун деб ажратилган маблағлари ҳамда телерадиоканалнинг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланадиган график, томонлар ўртасида тузилган баённомалар ва улар асосида имзоланадиган далолатномалар бўйича тўлиқ амалга оширади.
- 4.7. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га Шартнома баҳосини тўлаш “Ижрочи”нинг мазкур Шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 4.8. “Буюртмачи” техник воситалардан режада кўрсатилгандан ортиқ фойдаланса, тўлов ҳақиқий бажарилган иш ҳажми миқдорида тўланади.

4.9. “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”нинг ўз ходимларига, видеоматериалларни ночизикли монтаж қилиш, коинотдан қабул қилиш ва видеоматериалларни кўриш бўйича ажратилган видеоматериалларни кунлик иш ҳажми 8 соатдан ҳисобга олинади.

4.10. “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га хизмат сафари учун ажратилган техник воситаларнинг кунлик иш ҳажми 12 соатдан ҳисобга олинади.

4.11. “Буюртмачи” хизмат сафари бўйича буюртмани камида 3 кун муддат ичида ёзма билдиришнома асосида бекор қилиши мумкин, ақс ҳолда “Ижрочи”нинг барча сафар харажатларини белгиланган тартибда қоплаб беради, Давлат тадбирлари муносабати билан тақдим этиладиган буюртмалар бундан мустасно.

4.12. Қуйидаги ҳолатларда техник хизматлар иш ҳажмига киритилмайди ва ҳақ тўланмайди;

- “Ижрочи”нинг айби билан содир этилган техник тўхташ вақти учун;

- “Ижрочи”нинг айби билан чўзилиб кетган иш вақтига;

- Кундузги ва кечки кўрсатувлар орасидаги танаффус 45 дақиқадан ортиқ бўлса;

- “Буюртмачи” техник воситалардан фойдаланиш қоидасида қайд қилинганидек “Ижрочи”ни ўз вақтида огоҳлантириб, бошқа вақтга кўчирилган ёки ўзгартирилган иш учун;

Эслатма; - “Ижрочи”нинг айби билан иш тўхтаб қолса ёки ўзгартирилса, режалаштирилган иш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда ва уларга қулай вақтда “Ижрочи” томонидан бажарилади.

4.13. Иш ҳажмига киритиладиган ва ҳақ тўланадиган асослар:

- “Буюртмачи”нинг айби билан техник хизмат вақти кечикса ёки вақт узайтирилса.

- “Буюртмачи”нинг айби билан ПТЭ-2000 да кўрсатилган вақтдан кейин буюртма бекор қилинса.

4.14. “Буюртмачи” томонидан техник технологик хизматларга буюртма берилганда техник воситаларни жойигача етказиб бериш бўйича ёрдамчи махсус автотранспорт воситалари учун сарфланадиган харажатлар “Ижрочи” томонидан қопланади.

4.15. Республиканинг турли ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) тайёрланадиган кўрсатув ва трансляцияларга жалб қилинаган КТС ҳамда кўшимча техник-технологик воситалар (РРЛ, кран, рельс, кўшимча камералар, магнитофон) “Ижрочи” томонидан белгиланган манзилга етказилгандан сўнг, “Буюртмачи” белгиланган кўрсатув ва трансляцияларни тайёрлашга сарфланган ҳақиқий иш ҳажми учун ҳақ тўлайди.

4.16. “Буюртмачи” нинг буюртмасига мувофиқ жалб қилинадиган барча турдаги техник-технологик хизматлар учун ҳақиқатда фойдаланилган иш ҳажмидан келиб чиқиб ҳақ олинади, хизмат сафари учун ажратилган шартноманинг 4.10-бандида кўрсатилган техник-технологик воситалардан ташқари.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Кўрсатиладиган техник хизматлар муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда “Ижрочи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Кўрсатилган техник хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг шартини бузганлиги учун пеня тўлаш, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш томонларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Жарима, пеня тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни нормаларига асосан белгиланади.

## VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VII. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулотда ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек томонлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2005 й. №63 сон Қарори).

## VIII. Қўшимча шартлар.

8.1. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарганда ҳамда хизматлар ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун муддат ичида ёзма маълумот беради.

8.2. Шартнома 2022 йил 1 январдан 2022 йил 30 апрелгача амал қилади.

8.3. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар фақатгина томонларнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

8.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

### Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

“Ижрочи”

“Буюртмачи”

“Respublika teleradiomarkazi”  
давлат муассасаси

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 69 уй

#### Реквизитлар:

АТ Алоқа банк, Тошкент ш.  
х/р 20210 00060 44808 28001  
МФО 00401  
ИНН 206045069  
ИФУТ 60200

«Madaniyat va ma'rifat» телеканали давлат муассасаси.  
Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 69 уй  
Тел./факс: 998 71 214-18-10, 998 71 214-18-33  
ШҒХ 100 010 860 262 777 084 200 137 008  
Ташкилотнинг СТИРИ 207 158 378 ИФУТ 60200  
Ҳазначилик амалиёт бошқармаси  
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010  
Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси  
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) МФО:00014  
Ҳазначилик бўлиминининг СТИРИ 201 122 919



Бош директор

Ш. Расулов



Директор

В. Дукмонов

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар  
фаолиятининг шартномавий-ҳужжатий бағли» тўғрисида  
Қонунига мувофиқ мазкур шартнома вақт ўтказиб  
жараёнда юрист-персоналнинг  
Пер. № 10 «...» 2022

"Respublika teleradiomarkazi" ДМ

бош директори

Ш. Расулов

" 2022 й.

"Madaniyat va ta'rifat" телеканали ДМ

директори

В. Лукмонов

" 2022 й.

2022 йил 1-чорақ учун "Madaniyat va ta'rifat" телеканали "Respublika teleradiomarkazi" ДМ техник воситалардан фойдаланиш бўйича режаси

№	Техникалар номи	январ	феврал	март	1-чорақ (соат)	Жами (сўм)
	"Madaniyat va ta'rifat" телеканали	Таъриф ҚҚС билан				бюджет ва бюджетдан ташқари хисобидан
1	Эфир	744,0	744,0	744,0	2 232,0	135 562 752,0
	жумладан:					
	SERVER	60 736	744,0	744,0	2 232,0	135 562 752,0
2	Марказий аппаратхона	744,0	744,0	744,0	2 232,0	98 808 408,0
	жумладан:					
	Эфир	44 269	744,0	744,0	2 232,0	98 808 408,0
3	Тайёргарлик	22,0	80,0	22,0	124,0	179 999 340,0
	жумладан:					
	АСБ-2 тайёргарлик	361 531	20,0	20,0	60,0	21 691 860,0
	КТС-HD(4к) PANASONIC	573 825	10,0	10,0	30,0	17 214 750,0
	КТС-HD(6к)	591 717	30,0	30,0	90,0	53 254 530,0
	КТС-HD(8к)	1 463 970	20,0	20,0	60,0	87 838 200,0
4	Тасвирга ёзиш	734,0	690,0	690,0	2 114,0	229 608 662,0
	жумладан:					
	АСБ-2 тасвирга ёзиш	386 542	30,0	30,0	90,0	34 788 780,0
	АСБ-9 яшил фон	9 140	26,0	25,0	76,0	694 640,0
	Видеокамералар AJ-PX 800GF	36 609	50,0	50,0	150,0	5 491 350,0
	Видеокамералар P2HD AJ-HPX 600EN	31 932	500,0	500,0	1 500,0	47 898 000,0
	Видеокамералар AJ-AC-90AEN	43 119	60,0	60,0	180,0	7 761 420,0
	КТС-HD(4к) Panasonic	929 945	50,0	9,0	68,0	63 236 260,0
	КТС-HD(6к)	1 330 882	10,0	8,0	26,0	34 602 932,0
	КТС-HD(8к)	1 463 970	8,0	8,0	24,0	35 135 280,0
5	Бошқа тех.ускуналар.	496,0	499,0	508,0	1 503,0	55 046 368,0
	жумладан:					
	ARRI L5-C LED, ранг харорат 2800K дан 10000K гача	33 987	90,0	90,0	270,0	9 176 490,0
	DEDO WELGER прожектор комплект	29 166	50,0	50,0	150,0	4 374 900,0
	Свет 500 комплект	11 733	80,0	80,0	240,0	2 815 920,0
	Свет 1000 комплект	12 203	80,0	80,0	240,0	2 928 720,0
	Нур қайаргич	12 203	20,0	20,0	60,0	732 180,0
	Телесуфлер	14 512	6,0	6,0	17,0	911 252,0
	"Сарпан D,K" сунъий тутун бер. ускуна	124 619	38,0	40,0	118,0	14 705 042,0
	Кран "Scanner ELIT"	109 082	24,0	25,0	84,0	9 162 888,0
	Рельс тележка Egriment Matador	66 063	25,0	25,0	75,0	4 954 725,0
	Шамол берувчи машина "Korner"	132 659	3,0	3,0	9,0	1 193 931,0
	Хар хил реkvизитлар светилник, дарахт, экибаналар ва х.к. (1 марта)	17 057	10,0	10,0	30,0	511 710,0
	Хар хил ставкалар (1 марта)	17 057	10,0	10,0	30,0	511 710,0
	Хар хил столлар (1 марта)	17 001	20,0	20,0	60,0	1 020 060,0
	Хар хил уй жихозлари мебель, шкафлар (1 марта)	17 057	20,0	20,0	60,0	1 023 420,0
	Хар хил устунлар (1 марта)	17 057	20,0	20,0	60,0	1 023 420,0
6	Видео монтаж	560,0	560,0	560,0	1 680,0	49 737 960,0
	жумладан:					
	Дубляж аппаратхонаси	44 463	200,0	200,0	600,0	26 677 800,0
	Ночизикли монтаж аппаратхоналар	20 734	300,0	300,0	900,0	18 660 600,0
	Куп форматли кучириш -ёзиш TMA-42,110	24 442	60,0	60,0	180,0	4 399 560,0
	Жами:					613 199 000,0

Молия-иктисод бўлими бошлиғи в.б

Б.Гайибов